

Сийрат дарслари (144-дарс). Дунёнинг энг яхши ҳузури солиҳа аёлдир



17:00 / 09.07.2021 4857

536. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизларга ҳожат хутбасини таълим бердилар: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! Биз Ундан ёрдам ва мағфират сўраймиз. Аллоҳдан ўз нафсимиз ёмонликларидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, уни залолатга кетказувчи йўқ ва кимни залолатга кетказса, уни ҳидоят қилувчи йўқ. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ. Ва гувоҳлик бераманки, албатта, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир. Эй иймон келтирганлар, *«У билан ўзаро сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик(алоқалари)дан қўрқинг. Албатта, Аллоҳ устингиздан кузатиб турувчидир».* «Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга ҳаққини бажо этиб тақво қилинг, фақат мусулмон

ҳолингизда ўлурсиз». «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглари ва тўғри гап гапиринглари, сизнинг амалларингизни солиҳ қилур ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, катта ютуққа эришибди».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Насоий, Ибн Жоруд ва Ҳоким ривоят қилишган.

537. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: **«Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу - унинг учун бичилишдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

538. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дунёнинг бари ҳузур-ҳаловатдир ва дунёнинг энг яхши ҳузур солиҳа аёлдир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан